

2016 октябрь

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

2016-yil
29-oktabr,
shanba
№ 129
(3790)



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

28 октябр куни Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини вазири Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Бюджетномаси — Давлат бюджет ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Мажлисида ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш ҳисобидан юқори иқтисодий суръатларни таъминлаш вазирасини назарда тутди.

Мамлакатимиз ҳукуматининг жорий йил 15 январдаги мажлисида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазибалар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг шу йил 8 сентябрдаги қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентини вазири Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устувор вазибалар асосида 2016 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазибаларини амалга ошириш юзасидан қўрилган амалий чора-тадбирлар макроиқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли эришишни, жорий йилда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда Давлат бюджетининг самарали ижро этилишини таъминламоқда.

Тақдим этилган лойиҳалар макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишга, давлат қарзининг асосий ўсишига йўл қўймасликка, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада юксалтиришни таъминлашга, чуқур таркибий ўзгаришларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсатини юритишга, шунингдек, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг даромад базасини кўпайтириш ва маҳаллий бюджет харажатларини мақбуллаштириб, субвенция олувчи ҳудудларни камайтиришга қаратилган.

Шунингдек, келгуси йил солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳаси солиқ юқини янада камайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуричилигини яхшилаш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини янада оширишни, бюджет маблағларини самарали режалаштиришга, улардан фойдаланишнинг натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутди.

Депутатлар келгуси йил учун шакллантирилган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, шунингдек, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўлган ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари еттиштиришнинг 6,2 фо-

изга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши кўзда тутилаётганлигини алоҳида қайд этдилар.

Парламент аъзоларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан олинган батафсил ахборотдан сўнг мамлакатимизнинг 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофида муҳокама қилинди. Муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа жабҳаларини ривожлантириш дастурлари ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилиши муҳимлигини таъкидладилар.

— Фракциямиз аъзолари 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасида солиқ сиёсатида солиқ юқини пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуричилигини яхшилаш кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратдилар, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Э.Холбўтаев**. — Хусусан, келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юқини ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, 2017 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида келгуси йилда амал қилиш муддати тугаётган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш таклиф этилмоқда. Бу эса тадбиркорлар тасарруфида келгуси йилнинг ўзида қарийб 500 миллиард сўмга яқин маблағ қолдириш имконини бериб, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишлари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

— Келгуси 2017 йилги Бюджетнома янгича ёндашувлар асосида мукамал, чуқур таҳлилларга асосан ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилаётган мақсадлар ва устувор йўналишларни, шунингдек, оқирғи пайтларда қабул қилинган Президент фармон ва қарорларида белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлашга қаратилганлиги эътиборга молик, — дейди **Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси Д.Жалилова**. — 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида маданият муассасаларини сақлаш ва спорт тадбирларини ўтказиш харажатларининг ҳажми жорий йилга нисбатан 16,7 фоизга оширилганиги, бунда республиканинг тарихий-меъморий, ижтимоий-маданий ва туризм салоҳиятини оқтиётлаб сақлашни таъминлаш, шунингдек, янада оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимиздаги маданий ва археология мероси объектларида консервациялаш ва реставрация қилиш ишларини ўтказиш бўйича дастурни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 25,8 миллиард сўм, яъни жорий йилга нисбатан 1,17 марта кўп маблағ ажратиш таклиф этилмоқда. Бу халқимизнинг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлаб сақлаш имконини беради.

(2).

Ислоҳот

Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги «Авилон Қўқон текстил» хусусий корхонасида синтетик молиқдан ёстиқ ва кўрпача ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона раҳбари Авазбек Абдураҳимовнинг айтишича, жорий йилда «Агро-банк» ажратган кредит эвазига замонавий тўқув, тикув ва матонли бўйиш ускуналари сотиб олиниб, ишлаб чиқариш кўлами кенайтирилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 20 га яқин ишчи-мутохассиснинг асосий қисми касб-хўнара коллежини битирган ёшлардир.

ЎЗА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Банк кўмаги билан



Муносабат

Бунда бахтиёрлар яшайди

Истиқлол насими қишлоқларимизга ҳам янгича ҳаёт бағишлади. Айниқса, бундан етти йил илгари бошланган ташаббус ҳозирга келиб янада кўл очди. Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича қишлоқларда яшовчи 83,5 миңдан ортиқ аҳолининг яшаш шароити яхшиланганини фахр билан тилга олиш мумкин. Бундан бир неча йил муқаддам Окдари туманидаги «Қирқдархон» маҳалласида бўлган хорижлик меҳмонлар ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити, турмуши билан танишганди. Хорижликлар уйларидаги ҳақиқатларни яшириб ўтиришмади.

Ўғлим ушбу ҳудудда замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган турархонада яшайди. Бизни ҳам шу ерда яшашга кўндирди. Бир йилдан ошдики, фарзандимиз билан истиқомат қиламиз. Шароит шарадидан қолмайди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Қарорни ўқиб ҳукуматимизнинг қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасини яхшилаш ва дунёқарашини ўзгариштириш йўлида амалга оширилган ишлари маъносини англаб етгандек бўлдим.

Тинчлик ХУДОЙБЕРДИЕВ,
меҳнат фахрийси

Сайлов — 2016

2016 йил 28 октябр куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинди

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Сарвар Садуллаевич Отамуратов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Шавкат Миромонович Мирзиёев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Хатмжон Абдурахмонович Қетмонов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Маджидович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар этиб рўйхатга олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловда ташвиқоти бошланди. Шу муносабат билан мажлисида сайловда ташвиқоти билан боғлиқ масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу куннинг ўзида Марказий сайлов комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш ҳамда комиссия ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун онлайн режимида брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларини Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарликнинг бориши ҳақида хабардор қилди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қончилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилаётгани таъкидланди.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига асосан сайловда ташвиқоти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланди.

Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларидан Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тенг фойдаланиш ҳуқуқи берилади ва таъминланади.


Жумладан, сиёсий партиялардан келиб тушган таклиф ва истақларни инобатга олиб, ҳар бир номзодга ўз сайловда дастурларини аҳолига етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ешлар» теле- ва радиоканалларида 638 дақиқадан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 12 та ҳудудий телеканалларида 206 дақиқа, «Тошкент» телерадиоканалида 286 дақиқадан бепул эфир вақти ажратилади.

(3).



Тўлиқ ва батафсил маълумот

>> 2



Китобсиз уй...

>> 4

БУГУННИНГ НАФАСИ

Энг яхши лойиҳа

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Марказий банк, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, «Хунарманд» уюшмаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида «Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ўтказилди.

Истиқлолнинг бахтли қизлари

Танловнинг туман (шаҳар) босқичларида ҳар бир касб-хунар коллеждан биттадан энг муносиб битирувчи қиз (жами 4500 нафардан ортиқ) ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этган бўлса, улар орасидан 579 нафара Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида қатнашишга мўяссар бўлди. Худудларда сараланган 82 лойиҳа танловнинг республика босқичига етиб келди.

Пойтахтимизда танловнинг республика босқичи голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар юртимизда кичик бизнес ва ташкилотларнинг босқичига етиб келиши, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчи қизларнинг ушбу соҳада самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратилаётганини таъкидлашди.

Иштирокчилар диплом, тижорат банкларининг сертификатлари, ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа», «Қишлоқ хўжалиги соҳасида энг яхши лойиҳа» йўналишлари бўйича голиблар аниқланди.

Ўз мухбиримиз

Мева-сабзавот экспорти ортимоқда

Қорақалпоғистон Республикасида жорий йилда 11 минг 111 гектар майдонда сабзавот, 9 минг 508 гектарда полиз, 5 минг 325 гектар ерда картошка етиштирилди.

Етиштирилган ҳосилни ички бозор ва қайта ишловчи корхоналарга етказиб бериш, унинг экспортини кўпайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини куз-киш мавсумига гамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мева-сабзавотни қайта ишлашга йўналтирилган умумий қиймати 1,8 миллиард сўмлик 5 лойиҳа амалга оширилди. Жорий йилда барча турдаги хўжалик субъектларида етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларидан давлат буортмаси учун 84,9 минг тонна мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари харид қилиш режалаштирилган.

Ярмаркада фермер хўжалик-лари томонидан етиштирилаётган турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бирга, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, тайёр маҳсулотни экспорт қилувчи корхона ва ташкилотлар фаоли-



яти акс эттирилган баннерлар, ахборот материаллари, таклиф этилаётган мева-сабзавотлардан намуналар намойиш этилмоқда.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Қ.Сариев сўзга чиқди.

ЎЗА фотомухбири
Мақсад **ХАБИБУЛЛАЕВ**
олган сурат.

Бор бўл, оқибат!

Жамоатчилар рағбатлантирилди

Тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислохлар натижасида соҳа ходимлари учун муносиб иш ва дам олиш шароити яратилди. Бизнинг муассасада ҳам улкан қурилиш ишлари олиб боришмоқда. Замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозлаш узлуksиз давом этапти. Касаба уюшма кўмитаси томонидан ўз касбининг устала-

ри, эҳтиёжманд оилалар вакиллари моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Яқинда жамоат ишларида фаол бир гуруҳ ходимлар электр маиший техника жиҳозлари билан тақдирланди. Тадбирда Хоразм вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Шакаржон Хўжаниёзова, Урганч шаҳар ҳокими Одилбек Сапаев, вилоят

соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Содикжон Содиков, муассасамиз бош шифокори Баҳодир Исмоилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга қаратилган эътибор, эл саломатлигини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти хусусида атрофлича тўхталишди. 40 дан зиёд ходимга совғалар улашилди.

Раҳматилла **РАҲМАТОВ**,
Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази касаба уюшма кўмитаси раиси

Танлов

Навоний вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-танловининг вилоят босқичи голиблари тақдирланди.

Муносиблар сараланди

Тадбирда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси аппарати ходимлари, соҳалар бўйича масъул ташкилотчилар, бирлашган кўмита раислари, шаҳар, туман кенгаш раислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Н.Тоғаева очиб берди. Шундан сўнг тармоқ йўналишлари бўйича вилоят голиблари — Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тизимидан С.Худойназаров, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси тизимидан М.Ҳамроева, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидан И.Нурсултоев ва Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси тизимидан Ш.Ортиқова иш тажрибалари ва амалга ошираётган ишлари билан яқиндан таништирди.

Тадбир сўнггида 27 нафар вилоят босқичи голибига касаба уюшмаларининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилфарўз **ЎРОЗОВА**,
«Ishonch» мухбири

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши томонидан «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови голибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Ушбу тадбир меҳнатқашларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва иқдорлик қобилиятини рағбатлантириш орқали уларнинг профессионал даражасини ошириш, меҳнат унвондорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаолиятга кенг жалб этиш, ёш мутахассисларни моҳир касб эгаларига бириктириш орқали ёшларнинг касб маҳоратини оширишга эришиш имкониятини берди. Натижаларга қўра, Бойсун туманидаги «Хунарманд» уюшмаси аъзоси Мафтуна Азизова, Шўрчи енгил саноат касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Инобат Аҳмадова, Узун маиший хизмат кўрсатиш уйи суратқаси Дилноза Сатторова ва бошқалар республика босқичига йўланма олишди.

Рустам **ДАВЛАТОВ**,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-семинар

Керакли тавсиялар берилди

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенциялари, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шартларини яратиш бўйича иш берувчилар ҳамда улар вакилларининг билим ва тажрибасини янада ошириш юзасидан ўқув-семинар ўтказилди.

Унда Касаба уюшма фаоллари, шунингдек, халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими вакиллари, Меҳнат бошқармаси, вилоят Фермерлар кенгаши аъзолари иштирок этишди. Семинарни бирлашма кенгаши раиси З.Маҳаммадова олиб берди. — ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялари ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётган, — дея таъкидлади у, жумладан, ўз маърузасида. — Зеро, мажмур устувор ҳужжатлар инсон манфаатларини тизимли ҳимоя қилишга кўмаклашишини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Конвенциялар талабларини ижро этиш иш берувчилар ҳамда биз каби жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини мустақамлаш ҳам барчамизга маълум.

Семинарда ХМТ вакили С.Егорьева маъруза билан иштирок этиб, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялар талабларининг юртимизда нечоғлик бажарилаётганини таҳлил қилиб берди. Конвенцияларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталишни, уларни амалга оширишда иш берувчилар олдида турган устувор вазифаларга жиддий эътибор қаратишди.

Семинарда меҳнат жараёнини тўғри ва қонуний ташкил этиш, ишловчилар учун адолатли, хавфсиз ҳамда кафолатланган иш ўринларини яратиш бўйича керакли тавсиялар берилди.

Дилдора **РАҲМОНОВА**,
«Ishonch» мухбири

Давра суҳбати

Тўлиқ ва батафсил маълумот

Жиззахда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ва худуддаги фуқаролик жамияти институти вакиллари иштирокида «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриқлари киритиш ҳақида»ги ва «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашув ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, худудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурсултоев Пардаев «Халқаро Меҳнат Ташкилотининг бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашув ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 87-сонли Конвенциясини ратификация қилиш ҳақида»ги қонун ҳақида тўхталар экан, ушбу Конвен-

лакатимизнинг халқаро ташкилотлар билан, энг аввало, Халқаро меҳнат ташкилоти билан муносабатларида ижобий имиджини шакллантиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бош юристконсулти Эркин Умурзоқов «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриқлари киритиш ҳақида»ги Қонун ҳақида атрофлича маълумот берар экан, унинг мақсади ва асосий қоидаларига алоҳида тўхтади.

Иштирокчилар ҳар икки қонун юзасидан тўлиқ ва батафсил маълумот олди.

Абдуманноп **АЗИМОВ**,
«Ishonch» мухбири

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Худойберди ва Очилой

«Бахтимизнинг ўндан тўққиз улуши саломатлигимизга боғлиқ». Мақоламизни бежиз немис файласуфи Артур Шопенгауэрнинг сўзлари билан бошламадик. Чунки биз ҳанго қилмоқчи бўлган оилада саломатлик энг устувор мақсад, энг катта бойлик ҳисобланади.

Оила бошлигидан тортиб бекасигача, ўғилларидан қизигача сиҳатнинг асосий гарови ҳисобланган спортга ошно. Қолаверса, оила бошлиғи Худойберди Усмонов ва унинг турмуш ўртоғи Очилой Умирова касаба уюшмасининг устувор йўналишларидан бири бўлган жисмоний тарбия ва спортнинг фаол тарғибчилари, кўпга намуна бўлиб келаётган фидойи замондошларимиздан.

Келинг, барчасини маздан бошлаймиз. Худойбердига бобокалонининг исмини қўйишган. Яъни, отаси Қўйли полвоннинг бобосини Худойберди қарқор дейишарди. Қучли чавандоз ўтган. У Очилой момога уйланганда одамлар башорат қилишди: Худойберди қарқор ва Очилой турмуш қуряпти, улардан ҳақиқий аллалар туғилади энди. Чунки «Алл ондан...» деган гап бор.

Гап шундаки, Очилой катта йирик гавдали аёл бўлгани учун давраларда бошқалардан ажралиб турарди.

Билиб айтишган экан. Худойберди қарқор ва Очилой каттадан олти ўғил туғилди. Олтови ҳам гўё Алпомиш, олтови ҳам гўё Қунтуғмиш... Бари полвон бўлди, бари аллон бўлди. Равшан полвон, Хошим полвон, Раҳмон, Усмонов, Шойим ва Кенжа

полвонлар отларини миниб, кўпқарига боришса, ҳамма ҳавас билан боқарди. «Қарқор тўда олти отли» деган ибора шу аллаларга нисбатан ишлатилган.

Уруғ сурди. Суяк сурди. Бу полвонлардан ҳам полвонлар туғилди. Бизнинг ҳижоимизга таалуқли Усмонов бободан ҳам олти ўғил ва икки қиз дунёга келди. Бугунги қахрамонимиз — Худойберди Усмонов ўша олти ўғиллардан бири Қўйли полвоннинг ўғли. Қўйли полвон асли бригада бошлиғи бўлса-да, от чоптиришни хуш кўрарди.

Бир куни кўпқарига қамчилар зарбидан юзлари шилиниб, кийими лойга ботиб, аммо-лекин отнинг ўнгирига зотнинг каттасини ортиб, олқинининг отдаини эшитиб қайтаёса, хўжалик раҳбари, туман мутасаддилари узраб қолди.

— Сиз бригадир бўлсангиз, от миниб, ҳамма томонингиз шилиниб юришга уялмайсизми? Йиғиштирингиз, отингизни, — туман ижроқўми вакили полвонга қаттиқ танбех берди. Полвон айб иш қилмагани. Ота-боболари минган отни минмасе туролмасди. Қолаверса, ориятга қучли эди. Шунинг учун индамай ерга қараб тураверди. Ахир, от қадрини от минмаган қайдан билсан...

Бизнинг Худойбердига-да, бобокалонидек юртга машур полвон бўлсин, деб шу исмини беришган... Худойберди ҳам яхши олишди. Устози Хусан полвон Нибёзов (раҳматли) ва Бахриддин Ярамоновдан олган сабоқларини оқлади. Вазндоллари орасида музаффар бўлди. Бироқ собиқ Иттифок даври эмасми, спортга эътибор ҳаминқадар, профессионал спортнинг йўли олис, халқаро мусобақалар ҳақида-ку, гапирмасе ҳам бўларди. Не-не зўр спортчиларимиз «марказдаги» рус оғалардан ўтиб, хорижга қолмаган. Шу боисми, Худойбердининг чемпион бўлишидан қўра, уста дехон, моҳир пахтакор бўлишига ишончи, аниқроғи, шароити кўпроқ эди. Ахир, отаси қишлоқ хўжалиги ходими бўлса...

Барибир томирдаги ориятга тўла ўзбек қони тинч қўймади. «Спортчи бўлолмасам, мураббий бўлай» деган умидда Шахрисабздаги педагогика билим юртига ҳужжат топширди. Уқитувчилик қила туриб Тошкентдаги Низомий номидаги педагогика институтини (ҳозир университет) сирдан тугатди. Тақдир тўхтасини қарангки, катта ҳаётга қадам қўйганида солиҳа ўқитувчи Очилой Умирова билан

ДЕПУТАТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2017 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИ, ШУНИНГДЕК, СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

№(1).

— Ижтимоий соҳага ажратилган Давлат бюджети маблағларининг улуши оширилиши бизнинг эътиборимиздаги асосий масала, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Ш.Турсунбоев. — Келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг изчил давом эттирилиши аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилади. Ундан ташқари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув юктамаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар, таълим муассасаларида педагогик иш юктамасининг камайиши ҳисобига амалга оширилаётганлиги ўқитиш жараёни самарасини таъминлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига имкон яратади.

Давлат бюджетининг умумий харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилган харажатлар 2000 йилда 42,5 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда қўллаётган 59,5 фоиздан 2017 йилда 59,7 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, кам таъминланган ва моддий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга ва болалар оилаларга бериладиган нафақалар учун ажратилган харажатлар 2017 йилда қарийб 2,6 триллион сўмдан ортиқ миқдорда, яъни 2008 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган чўқур уйлانган ижтимоий сиёсатнинг натижасидир.

— Мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солиш имконини берувчи инновацион иқтисодийнинг яратилиши муҳим вазифа ҳисобланади, — дейди «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Шодмонов. — Фракциямиз иқтисодий-дотти модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш тадбирларига катта эътибор беради.

Мамлакатимиз иқтисодий фан ва техниканиннг энг илгор ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқаришга ва халқ таълими тизимига таяниши лозим. Бу борада 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳасида жорий йилга нисбатан 13,0 фоизга оширилган ҳолда кўзда тутилган бўлиб, бу илм-фанни янада ривожлантириш ва давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш имконини беради.

— Аҳолини ичимлик суви, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуksиз таъминлашни, сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, аҳоли пунктларини қўллаб-қувватлаштириш бўйича ишларни давом эттириш муҳимлигига эътибор қаратдик, — дейди Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг раҳбари Б.Алиханов. — Жалб этилаётган инвестицияларнинг, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан мақсадли, самарали фойдаланилиши устидан парламент назоратини қучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш мақсада мувофиқдир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев сўзга чиқди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ҳаёт ришталари боғланди. Бу тасодифми ёки тақдир? Худойберди қарқор ва Очилой катта момонинг чевараси Худойберди Очилойга уйланди. Очилой ҳам полвонлар наслидан эди. Яъниким, бу бека Жомғир, Сарибой полвонларга неваре ҳисобланарди. У ҳам Шахрисабзда педагогика билан юртида ўқиган, у ҳам ўрта мактабда дарс берарди. У ҳам Худойберди каби ўқувчилик, талабалик йилларида турли спорт мусобақаларида фаол қатнашган, айниқса, волейболга меҳри бўлакча эди. «Ушватмасдан учратмас» дегани шумикан, ёки?..

Худойберди ва Очилойга Яратган тўрт ўғил, бир қиз берди. Тўнғич ўғли Раҳмиддин енгил атлетика билан жиддий шугулланди. Бироқ отаси ва онасидан фарқли ўлароқ, Раҳмиддиннинг болалиги гўзал истиқлол замонига тўғри келди. Спорт билан шугулланган деса, ана спорт зали, маҳоратини синий деса, мана турфа мусобақалар. Хуллас, ота намунаси, она ўғли зое кетмади. Раҳмиддин енгил атлетика бўйича вилоят биринчилигида совриндорга айланди. Мактабдаки, оромгоҳдаки, қаерда бўлмасин, устозлари олдида юзи ёруғ, эшитгани «Отанга раҳмат, онанга раҳмат» бўлди. Кўкси медалга, уйи Фахрий ёриқча ва дипломга тўлди.

Кувончлиси, сингил ва укалар ҳам акага, ота-онага эргашди. Тўқтин шашка ва футболга, Саривон енгил атлетикага, Рамазон эса таъкиддо тўғраракларига қатнаётган. Кенжаотга, олти ёшли Фирдавс ҳам Одил Аҳмедовга ҳавас қилиб, мураббий Отахон Холбозоровнинг футбол машғулотларида копток тепади.

— Спорт йўли осон йўл эмас, — дейди Худойберди ака. — Фарзандларим учун уйда мўъжазгина спорт майдончаси ташкил этганман. Уйимиз мактаб яқинида жойлашгани яна бир бахтимиз. Ҳар куни эрта тонг оилавий югурагимиз, бадантарбия қиламиз. Болаларим кўринмай қолса, албатта, уларни мактабнинг спорт майдончасидан топаман.

Бир куни Рамазоннинг мусобақасига бордик. Қарасак, ўзидан жуссаси анча катта бўлган рақиб билан «даян»га (таъкиддоги гилами) чиқибди. «Ҳа, Рамазон, бунд келмай!» дедим руҳини кўтариш учун. «Ҳа деган тўнға мадад!» дедиларки рост экан. Рамазон бирин-кетин барча рақибларини мағлуб этди. Яқинда мусобақа голиби бўлди.


ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Мулоҳаза

Китобсиз уй...

Китоб — маънавият кўйи. Офтоб беминат нури билан оламни ёритса, китоб инсон тафаккурини нурлантириб, маънавиятини юксалтиради...

Китоб мўъжизалар ичида энг улуғи. У инсонни маънавий қашшоқликдан асраб, эздуликка бошлайди, тасаввуримизни бойитиб, ўзгиримизни англайди. Шу боис дунёда китобдан содиқ дўст йўқ. Яхши китоб энг ишончли дўст мисол инсонни ёмон фикрлардан, иллатлардан холос этади. У шундай бебаҳо тўхфаки, донолар айтганидек, сарфлаган билан адо бўлмайди, қанча фойдалансанг қиммати шунча ортади, уни бировага бериб турсанг, давлатинг қамаймайди, кеча-кундуз сен билан бирга — уйда ҳам, йўлда ҳам ҳамроҳ.



— Тун билан ўқиб тугатолмадим, шунга...
Тўлиб турган экан шекилли, сабр билан тинглашга одам топилганидан қувониб кетгандек туюлди.

— Бувим китобсиз уйда фаришта бўлмайди, дердилар. Тўғри экан, мен ҳозир ана шундай бир хонадондан келаялман. Сабқдошим Сабинаникидан. У жуда чиройли, гўзал ва ёқимтой қиз. Ҳамма яхши кўрадиган шу қизни менинг жиним суймайди. У эса мени ҳеч ҳоли-жонимга қўймайди. Назаримда, унга мендек аълочи «дугона» керак! Шунинг учун мени ёнига қақриб, уйга таклиф қилди. Дарсларим кўп, боролмайман, деб баҳона қилдим. У эса: «Дугонам энг бахтли кунда йиғласин десаңг, тузилган кунимга бормайсан» деди.

Тез табриқлаб қайтаман деган андиша билан Сабиналарниқига вақтлроқ бордим. Дарвозадан киришим билан худди бирорта мезгилга кириб қолгандек ҳайратландим. Ховлида ўрнатилган мрамар ҳайкалчалар, биллурдай сочлиқ билан турган фаворалар. Сунъий тоғ... Қафасларда сайраб турган бир-бирдан сайроқи қушлар — бари жуда чиройли ва ҳайратланарли эди.

Сабина қўлимдан ушлаб уйини томоша қилдириди. Ҳамма нарса — бойлик, ҳашам, рисоладагидек ширинсуханлик бор бўлган бу хонадонда ўзимни жуда ноқулай ҳис қилардим. Назаримда, бу гўзал муҳитга нимадир етишмаётгандай туюлаверди.

Сабина хоналарни бирма-бир айлантириб чиқди. Меҳмонхонада катта столда қордек оппоқ дастурхон ёзилиб, тилло суви югуртирилган идишларда тансиқ ноз-неъматлар меҳмонларга мунтазир эди. Шундагина унга соғамни бермаганим ёдимга тушди. Сумкамдан сеvimли шоирамизнинг танланган асарларини олиб, унинг қўлига тутқаздим. Сабина китобга қараб бир лаҳза тараддуланиб қолди.

— Ҳозирча сенда турсин, эртага институтга борганда оламан, — деди.
— Очиб ўқи, сенга ажойиб тилақлар ёзганман, — дедим соғамни дугонамга узатиб. У эса китобга қўшиб қўлимни ҳам қайтарди.

— Меҳмонлардан бирортаси олиб кетмасин, — деди секингина.
Шу пайт Сабинанинг онаси кўринди.
— Қаранг, ойижон, дугонам менга тилла узук олиб келибди, — деди бармоғидаги бежирим узукни кўз-кўз қилиб. Шундагина олиб келган соғам унга ёқмаганини тушуниб, хижолат бўлдим. Онаси эса эътибор ҳам қилмади.

— Тез бўл, мен айтган меҳмонлар келишяпти.

Сабинага эргашиб пастга тушаётган эдим «Сиз ҳозирча шу ерда ўтириб туринг», деди.

Кутавериб зерикдим. Сабинанинг хонаси бизнинг меҳмонхонадан ҳам катта экан. Бу ердаги ҳашамдан ҳам кўзинг қамашади. Ўқиб туришим учун бирорта китоб изладим, мен кўрмаган ажойиб ва фаройиб бу буюмлар орасидан бирорта ҳам китоб топмадим.

Шу пайт қўлида патнис кўтариб бир аёл кириб келибди.

— Зерикадингизми? — дея ноз-неъматларни столга қўйди. — Ўтиринг, овқатланиб оламиз. Сизни меҳмон қилиш менга топширилди.

Бу гап гашимни келтирди.
— Сабинанинг ёнига бораман, — дея ўрнимдан турдим.

— Вой секин, уйда нозик меҳмонлар бор, эшитиб қўлашади, — аёл кўрсаткич бормоғини лабига босиб мени стулга ўтказиб қўйди. — Бўлажак қудалар, қув ҳам шу ерда...

Ноқулай пайтда келганимни билдим. Қандай қилиб бу ердан чиқиб кетсам экан, деб ўйлаб турган эдим, аёл мушкулимни осон қилди.

— Ишингиз кўп бўлса, орқа эшикдан кузатиб қўяман, — деди. Қўшимча йўлакдан пастга тушиб кўча эшигига яқинлашдик. Аёл хижолат бўлгандай қўлимга бир пакет тутқазди.

Шуни кўча бошидаги ахлат қутисига ташлаб кетсангиз. Қўлим тегмапти.
Ҳаётимда биринчи марта катталар буюрган ишдан оғриндим.

Кўчага чиқиб, бу уйдан тезроқ узок кетишни истаб қадамимни тезлатдим. Бехос нимагадир депсиниб қоқилиб тушдим. Пакет ичидагилар сочилиб кетди. Олма, анор, қовун пўчоқлари орасида Сабинага бугун сабоқдошларимиз берган китоб ҳам бор эди. Жон ҳолатда китобга қўл чўздим. Халидан бери излаётганим ҳақиқатга етгандек бўлдим: ҳамма нарса бор бу хонадонда китоб йўқ экан. Мен китоби йўқ, фаришталар қочиб кетган шу уйдан қочиб келаётган...

Талаба қиз тилидаги тўқиб бўлгандай энгил тин олди. Сумкасида иккита китоб чиқариб, менга узатди...

Минг марталиб ўқиган бу сеvimли китобларни энтикиб қўлимга олдим. Улардан бирини очдим, муқовасидаги «Сабина, бахт ва ҳаёт йўлиниги ушбу китобда акс этган маънавий заҳири ҳамиша ёришиб турсин...» деган тилакка қўзим тушди. Қолганини ўқийша сабрим етмади...

Бу пайтда китобимни ўқиб бўлиб қайтаришга ваъда берганча талаба қиз хонамни тарк этди. Мен эса машоийхлар айтган китобсиз уйда — маърифат, маърифатсиз уйда — ҳосият бўлмайди, жаҳолат ин қўйди, деган ҳикматнинг маъзани чакқандай бўлдим.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Билиб қўйган яхши

Шифокорларнинг эътирофи эътишларича, инсон жисмоний меҳнатдан кўра ақлий меҳнат қилганда кўпроқ чарчар экан. Мияни толиқтиришдан асраш учун энг яхши манба тоза ҳаво ҳисобланади. Шу боис ҳар икки соатда тоза ҳаводан нафас олиб, асабларга ором бериш мақсада мувофиқдир. Қолаверса, зарур озик моддаларини истеъмол қилиб туриш ҳам фойдаланган ҳоли эмас. Хусусан, сабзи ва унинг шарбати мияда модда алмашинувини яхшилаб, хотирани кучайтиради, асабни тинчлантиради. Хом қарам кишини тетиқлаштириш билан бирга хотирзамлик бахш этиш хусусиятига эга. Лимонни эрталаб чойга солиб ичиш асаб тизимига бардамлик, кайфиятга кўтаринкилик ҳолатини бахш этади.

Тетик бўлай десангиз...

Овқатга қўшиб пиёз еб туриш ҳам бош миянинг кислород билан таъминланишини яхшилайди.
Инсон миясини эслатувчи ёнғоқ эса энг ноёб дори ҳисобланади. У, айниқса, кексаларга куч-қувват беради.
Зирада эфир майларни кўп бўлгани учун, мия-асаб ҳужайраларининг нафас олишига қўмақлашади.
Нок кайфиятни кўтариш билан бирга, мияда қон айланишини меъёрга солади, захарли моддаларни танадан ҳайдади. Яхши пишган нокнинг ҳиди ҳам асабни тинчлантиради.
Рўҳим тетик, туйғуларим ҳаммиса жилоланиб турсин деганлар беҳи ёйишлари керак. Бугина эмас. Беҳи қувноқлик бахш этади, энг муҳими, ашартиради ҳам.
Рўҳим тетик, танам соғ бўлсин деган киши она заминимиз неъматларини истеъмол қилиш баробарида, табиат кўйида сайр қилиши, сувнинг шарқироқ товушини тинглаши, булоқлару жилғалар чўлдирашга қўлоқ тутиши, қушларнинг юксак парвози ва гўзал сайрашидан баҳра олиб, атроф-муҳит гўзаллигидан ҳаммиса руҳан қувватланиб яшаши керак. Бу ҳаёт ҳақиқатидир.

А.НАБИЕВА тайёрлади.

Касаба уюшмалари — болаларга

Ёш сайёҳлар Самарқандда

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳудуддаги 29-Меҳрибонлик ўғил тарбияланувчиларидан қирқ нафарининг Самарқанд шаҳрига сайёҳатини уюштирди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Соғлом она ва бола йили» дастури тадбирлари ҳамда «Касаба уюшмалари — болаларга!» акцияси доирасида ташкил этилган ушбу сафар давомида ёш сайёҳлар қадимий ва навқирон

Самарқанднинг кўҳна тарихи билан бирга, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Имом Бухорий мажмуаси, Амир Темур мақбараси, Регистон майдони ва Улугбек расадхонаси каби бетақрор ва гўзал иншоотлар ўғил-қизларда катта таассурот қолдирди.
Ёш сайёҳлар, шунингдек, Ҳазрати Хизр масжиди ҳудудида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов қабрини зиёрат қилдилар.

Ўз мухбиримиз

Танганинг иккинчи томони

Интернетга қарамлик

Сўнгги вақтда интернет ахборот тармоғи таъсирининг ортиб бориши ва йилдан-йилга глобал тармоқдан фойдаланувчилар доираси кенгайиб бориши ижтимоий, ахлоқий, этник, психологик жиҳатлар билан боғлиқ турли муаммо ва саволларни келтириб чиқармоқда. Интернетдан фойдаланиш жараёни алоҳида феномен сифатида мулоқотларда, интернет-чат, интернет-форум ва интернет-конференцияларда намоён бўлади. Улар мавзу доирасида ўз йўналишига (сийсий, маданий, диний, спорт ва бошқалар) эга.

Бундан ташқари, интернетдан фойдаланиш жараёнида фойдаланувчи ўз номланиши орқали ихтиёрий жинс, ёш, касб эгаси тарзида, айтиллик, ўсмирлар ўзини катта ёшли шахс сифатида кўрсатиб мулоқотга киришиши мумкин. Мазкур ҳолатнинг вужудга келишига интернет тармоғида мулоқот қилаётган шахснинг ҳақиқатда қимлигини аниқлаш имконияти йўқлиги шароит яратлади.

Шунингдек, интернет фойдаланувчиларининг интернет-форум ва интернет-чатларда турли йўналиш ва мавзуларда мулоқотга киришиши жараёни виртуал равишда амалга оширилади ва объектив шарт-шароитлардан воз кечилади.
Ушбу ҳолатга турлича ёндашиш мумкин, яъни бир томондан айрим инсонларда мавжуд ҳолатдан қатъи назар аноним равишда ўз фикрини ифо-



ўйинлар инсонни тўлалигича эгаллаб олиб, унга реал ҳаётда бошқа фаолият тури билан шугулланиш учун етарлича вақт ва куч қолдирмайди. Шунга қўра, бугунги кунда интенсив равишда «интернетга қарамлик» ёки «интернет аддикция» феномени кенг муҳокама қилинмоқда. Тадқиқотчилар фикрича, интернетга қарамлик оддий қарамлик каби (чекиш, наркомания ва бошқалар) тўғридан-тўғри инсоннинг жисмоний аъзоларига эмас, балки унинг онгига қучли таъсир қилади.

Интернетга қарам бўлган шахслар глобал тармоқ орқали амалга ошириладиган салбий таъшиқотлар таъсирига тез ва осон тушади. Шунинг учун ёшларни интернетнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, глобал тармоқ имкониятларидан фақат ижобий мақсадларда фойдаланишга қўмақлаштириш хозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Назокат ҚИЛЧЕВА,
Республика болалар кутубхонаси етакчи кутубхоначиси

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev. Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'liqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

BO'LIMLAR: Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63. Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69. Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79. Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43. Reklama va o'lonlar - 256-87-73. Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUUDUQLARDAGI MUXBIRLAR: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-91) 268-92-32. Andijon - (+998-91) 475-23-60. Buxoro - (+998-93) 653-50-81. Jizzax - (+998-91) 943-67-44. Namangan - (+998-90) 260-50-77. Navoiy - (+998-93) 314-13-03. Samarqand - (+998-97) 915-50-87. Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55. Surxondaryo - (+998-91) 233-69-07. Farg'ona - (+998-91) 141-27-70. Xorazm - (+998-90) 719-48-00. Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev. Navbatchi: D.Oripov. Musahhirlar: S.Shodiyeva. Sahifalovchi: H.Abdullayev. Boshig'ga topshirish vaqti - 22:00. Topshirildi - 22:30. 1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalovadi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hojmi 2 bosma tobaq. Buyurtma G - 1015. 13619 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133. Tahrirning xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001. ATIS «Mingota Bank» Yashnabod filialini, bank kodini: 00959, STIR: 201133889, OKONX: 07100